



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 30 » октябрь

№ 679

Toshkent sh.

Аҳолига такдим этилаётган электрон давлат хизматларини кўрсатишда шахсни тасдиқлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 22 апрелдаги ПФ–5984-сон Фармонида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ–4699-сон қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг қуйидаги қўшимча имкониятлар яратилишини назарда тутувчи **“Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини** (кейинги ўринларда – идентификация тизими) 2020–2021 йилларда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида босқичма-босқич модернизация қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

жисмоний ва юридик шахсларни электрон рақамли имзо, мобил телефон рақамлари ҳамда бошқа маълумотлар асосида рўйхатга олиш, идентификациялаш, аутентификациялаш ва авторизациялаш имкониятларини яратиш;

давлат органлари, банклар, молия ҳамда бошқа субъектлар томонидан электрон хизматлар кўрсатиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларни масофавий идентификациялаш (аутентификациялаш) имкониятларини яратиш.

2. Қуйидагилар:

“Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими архитектураси 1-иловага мувофиқ;

“Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;

Идоралараро электрон ҳамкорлик орқали идентификация тизимига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

идентификация тизими жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялашнинг расмий маълумотлар манбаи ҳисобланади ва у орқали олинган маълумотлар давлат органлари, банклар, молия ва бошқа хизматлардан фойдаланувчи шахсларни масофавий идентификация (аутентификация) қилишнинг асоси ҳисобланади;

идентификация тизимини модернизация қилиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва сервер қурилмаларини харид қилиш харажатларини молиялаштириш электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

идентификация тизими орқали шахсларни идентификациялаш (аутентификациялаш) хизматлари давлат ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бепул, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга белгиланган тартибда тузиладиган шартномага мувофиқ пуллик асосида кўрсатилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази:

а) икки ой муддатда:

“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ мобил алоқа операторларига реал вақт режимида жисмоний шахслар – абонентларнинг паспорт маълумотлари асосида жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамини (кейинги ўринларда – ЖШШИР) тақдим этиш бўйича электрон веб-сервис ишга туширилишини;

идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш орқали мобил алоқа операторларига ўзлари киритган ЖШШИРни текшириш (тўғрилигини тасдиқлаш) имконияти яратилишини;

б) **2021 йил 1 сентябрга қадар** қонун ҳужжатларига мувофиқ идентификация тизимига биометрик паспорт маълумотлар базаси маълумотларидан, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг суратларидан фойдаланиш имконияти яратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мобил алоқа операторлари билан биргаликда ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрган ҳолда **2021 йил 1 июлдан**:

а) мобил алоқа операторларининг ахборот тизимларида жисмоний шахс бўлган янги ва амалдаги абонентларга ЖШШИР жорий этилиши ва юритилишини;

б) мобил алоқа операторларининг ахборот тизимлари ва электрон ҳукуматнинг идоралараро интеграциялашган платформаси ўртасида реал вақт режимида жисмоний шахслар тўғрисидаги куйидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича идоралараро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилишини таъминласин:

абонентнинг ЖШШИР бўйича – абонентнинг телефон рақами;

абонентнинг телефон рақами бўйича – абонентнинг ЖШШИР.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 январдан 1 ноябрга қадар** Тошкент шаҳрида тажриба-синов тарзида Ўзбекистон Республикасида ID-карта кўринишидаги шахсни тасдиқловчи ҳужжат беришда жисмоний шахсларга электрон давлат хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида:

шахсни электрон тасдиқлаш имкониятини берувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатлари автоматик равишда шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2021 йил 1 декабрга қадар тажриба-синов натижалари бўйича ушбу тартибларни республиканинг барча ҳудудларида жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан асосланган таклифлар тайёрланиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Янги технологиялар илмий-ахборот маркази ахборот тизимини:

2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида ID-карта тизими билан интеграция қилиш бўйича ташкилий-техник чоралар амалга оширилишини;

идентификация тизимида шахсга доир ҳақиқий маълумотлар асосида рўйхатдан ўтган (авторизация қилинган) фойдаланувчиларга электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатларини масофавий бериш мақсадида Идентификация тизими билан интеграция қилиш бўйича ташкилий-техник чоралар амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкга Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан молиявий хизматлар кўрсатилишида идентификация тизими имкониятларидан фойдаланишга оид идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилсин.

9. Белгилансинки, идентификация тизими доирасида муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, уларга ишлов бериш ва фойдаланиш “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

электрон ҳукумат хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизими орқали юборилган электрон шаклдаги маълумот ва (ёки) хабарнома, шунингдек, бошқа электрон ҳужжатлар қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга;

электрон ҳукумат хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизими орқали электрон шаклда юборилган электрон ҳужжат, маълумот ва (ёки) хабарнома ушбу тизимнинг тегишли фойдаланувчисига келиб тушган вақтдан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 50-сон, 628-модда) билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисидаги низомга 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.


12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

“Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими АРХИТЕКТУРАСИ



**“Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг
ягона ахборот тизимини модернизация қилиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочи
1.	“Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда – идентификация тизими) модернизация қилиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	1. Лойиҳа паспорти, концепцияси ва техник топширигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Лойиҳанинг техник топширигини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш.	2020 йил декабрь 2021 йил январь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Идентификация тизимини модернизация қилиш ҳамда шахсларни идентификация қилишнинг базавий усуллари жорий этиш.	1. Идентификация тизимини модернизация қилиш бўйича техник ишларни амалга ошириш. 2. Шахсларни идентификация (аутентификация) қилиш бўйича базавий усуллари жорий этилишини назарда тутувчи тизимости модулини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2021 йил февраль 2021 йил март	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
3.	Шахсларни мобил телефон рақамлари орқали идентификациялаш имкониятини яратиш.	1. Идентификация тизимининг шахсларни мобил телефон рақамлари орқали идентификациялаш тизимости модулини ишлаб чиқиш. 2. Идентификация тизимини электрон ҳукумат ҳамда мобил алоқа операторларининг ахборот тизимлари ўртасида электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	2021 йил май 2021 йил июнь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, мобил алоқа операторлари

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочи
4.	<p>Шахсларни биометрия маълумотлари орқали идентификациялаш имкониятини яратиш.</p>	<p>1. Идентификация тизимининг жисмоний шахсларнинг биометрия маълумотлари асосида идентификациялаш тизимости модулини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Идентификация тизимини электрон ҳукумат ҳамда Давлат персоналлаштириш марказининг ахборот тизимлари ўртасида электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил август</p> <p>2021 йил сентябрь</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази</p>
5.	<p>Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ахборот хизматларини, жумладан хабардор қилиш характеридаги маълумотларни тақдим этувчи “Электрон ҳукумат” хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш имкониятини яратиш.</p>	<p>1. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ахборот хизматларини, жумладан хабардор қилиш характеридаги маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Идентификация тизими негизида “Электрон ҳукумат” хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизимости модулини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. “Электрон ҳукумат” хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизими билан давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини интеграция қилиш.</p>	<p>2020 йил 10 ноябрь</p> <p>2020 йил 10 декабрь</p> <p>2021 йил 1 февраль</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
6.	<p>Мобил алоқа операторларига реал вақт режимида жисмоний шахс бўлган абонентларнинг паспорт маълумотлари асосида ЖШШИР тақдим этиш бўйича электрон веб-сервисни ишга тушириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш.</p>	<p>1. “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ мобил алоқа операторларига реал вақт режимида жисмоний шахслар-абонентларнинг паспорт маълумотлари асосида жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамини тақдим этиш</p>	<p>2021 йил 1 январь</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочи
		<p>бўйича электрон веб-сервис (кейинги ўринларда – веб-сервис)ни ишга тушириш. 2. Идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш орқали мобил алоқа операторларига ўзлари киритган ЖШШИРни текшириш (тўғрилигини тасдиқлаш) имкониятини яратиш.</p>		
7.	<p>Мобил алоқа операторларининг ахборот тизимларида жисмоний шахс бўлган янги ва амалдаги абонентларига ЖШШИР жорий этиш ва доимий юритиш.</p>	<p>Мобил алоқа операторларининг ахборот тизимларида жисмоний шахс бўлган янги ва амалдаги абонентларига ЖШШИР жорий этилиши ва юритилишини таъминлаш.</p>	<p>2020 йил 1 декабрдан бошлаб мунтазам равишда</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, мобил алоқа операторлари</p>
8.	<p>Масофадан туриб электрон давлат хизматларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида идентификация тизимида жисмоний шахснинг ҳисобга олиш ёзувини (аккаунт) яратиш, қайта тиклаш ва тасдиқлаш имкониятларини яратиш.</p>	<p>Давлат хизматлари марказлари ҳамда почта бўлимлари орқали идентификация тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида жисмоний шахснинг ҳисобга олиш ёзувини (аккаунт) яратиш, қайта тиклаш ва тасдиқлаш механизмини жорий этиш.</p>	<p>2021 йил 1 февраль</p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги, Адлия вазирлиги</p>

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” октябрдаги 679 -сон қарорига
3-илова

**Идоралараро электрон ҳамкорлик орқали “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини
идентификациялашнинг ягона ахборот тизимига тақдим этиладиган маълумотлар
РҲЙХАТИ**

Т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	Маълумотларни тақдим этадиган давлат органи	Маълумотларни тақдим этиш шарти	Идоралараро электрон ҳамкорликни ишга тушириш муддати
1.	<p>Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик маълумотлари (давлат тили ва мавжуд бўлса бошқа тилларда Ф.И.О., туғилган санаси, ЖШШИР, паспорт серияси ва рақами, биометрик паспортга боғланган рақамли расми, туғилган жойи, жинси, миллати, фуқаролиги, фуқаролик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар (ўлим ҳолати тўғрисидаги ёзувнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги), ҳужжат тақдим этилган жой, ҳужжат амал қилишининг бошланиш ва тугаш санаси).</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази</p>	<p>Қуйидаги комбинацияларга эга бўлган ягона сўровларга асосан: 1. Паспорт серияси ва рақами, туғилган санаси; 2. ЖШШИР; 3. ЖШШИР, паспорт серияси ва рақами. Идентификация тизими фойдаланувчилари маълумотларини доимий янгилаб бориш.</p>	<p>2020 йил 10 ноябрь</p>
	<p>Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсга доир маълумотлари (давлат тили ва мавжуд бўлса бошқа тилларда Ф.И.О., туғилган санаси, ЖШШИР, яшаш гувоҳномаси серияси ва</p>		<p>Қуйидаги комбинацияларга эга бўлган ягона сўровларга асосан: 1. Яшаш гувоҳномаси серияси ва рақами, туғилган санаси; 2. ЖШШИР; 3. ЖШШИР, яшаш гувоҳномаси серияси ва рақами.</p>	<p>2020 йил 10 ноябрь</p>

Т/р	Такдим этиладиган маълумотлар	Маълумотларни такдим этадиган давлат органи	Маълумотларни такдим этиш шарти	Идоралараро электрон ҳамкорликни ишга тушириш муддати
	<p>рақами, туғилган жойи, жинси, миллати, фуқаролиги, фуқаролик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар (ўлим ҳолати тўғрисидаги ёзувнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги), хужжат такдим этилган жой, хужжатнинг амал қилиш бошланиш ва тугаш санаси, яшаш гувоҳномасига боғланган рақамли расми).</p> <p>Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлмаган хорижий фуқароларнинг шахсга доир маълумотлари (Ф.И.О., туғилган санаси, ЖШШИР, чет эл гувоҳномаси серияси ва рақами, туғилган жойи, жинси, миллати, фуқаролиги, хужжатнинг амал қилиш бошланиш ва тугаш санаси).</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази</p>	<p>Идентификация тизими фойдаланувчилари маълумотларини доимий янгилаб бориш.</p> <p>Қуйидаги комбинацияларга эга бўлган ягона сўровларга асосан: 1. Чет эл гувоҳномаси серияси ва рақами, туғилган санаси; 2. ЖШШИР; 3. ЖШШИР, чет эл гувоҳномаси серияси ва рақами.</p>	<p>2021 йил 1 январь</p>
2.	<p>Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий ва вақтинчалик турар жой манзили тўғрисидаги маълумот.</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги</p>	<p>Қуйидаги комбинацияларга эга бўлган ягона сўровларга асосан: 1. Паспорт (яшаш гувоҳномаси) серияси ва рақами; 2. ЖШШИР. Идентификация тизими фойдаланувчилари маълумотларини доимий янгилаб бориш.</p>	<p>2020 йил 10 ноябрь</p>
3.	<p>Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган хорижий</p>	<p>Давлат солиқ кўмитаси</p>	<p>ЖШШИР ёки паспорт (яшаш гувоҳномаси) серияси ва рақами бўйича ягона сўровга асосан.</p>	<p>2020 йил 10 ноябрь</p>

Т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	Маълумотларни тақдим этадиган давлат органи	Маълумотларни тақдим этиш шарти	Идоралараро электрон ҳамкорликни ишга тушириш муддати
	фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг СТИРлари тўғрисидаги маълумотлар.			
4.	Шахснинг жорий иш жойи, шунингдек лавозими тўғрисидаги маълумотлар (Ф.И.О., ЖШШИР, иш жойи, иш берувчининг СТИРи, лавозими, ишга қабул, бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисидаги буйруқ реквизитлари ва бошқалар).	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	ЖШШИР бўйича ягона сўровга асосан. Идентификация тизими фойдаланувчилари маълумотларини доимий янгилаб бориш.	2020 йил 10 ноябрь
5.	Мобил алоқа операторининг жисмоний шахс бўлган абоненти ҳақида маълумот (шахсий маълумотлар, ЖШШИР, абонентнинг мобил телефон рақами ва бошқалар).	Мобил алоқа операторлари	Қуйидаги комбинацияларга эга бўлган ягона сўровларга асосан: 1. Абонентнинг ЖШШИР; 2. Абонентнинг телефон рақами. Идентификация тизими фойдаланувчилари маълумотларини доимий янгилаб бориш.	2020 йил 10 ноябрь

